



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 5 июнь, № 108 (5782)

Чоршанба

Баркамоллик ва нафосат байрами

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва "Harry Caravan" халқаро турнири бошланди.



Ушбу мусобақаларда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Мўғулистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларининг терма жамоалари иштирок этмоқда.

Ёдингизда бўлса, нафис спорт тури бўйича 2004, 2005, 2011 ҳамда 2012 йиллардаги Жаҳон кубоги босқичлари, шунингдек, 2010 йилдаги

Осиё чемпионати пойтахтимизда зўр муваффақият билан уюштирилган эди. Бундан ташқари, ўтган йили Тошкентда Осиё гимнастика иттифоқининг Бош ассамблеяси ҳам юксак савияда ўтказилди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро майдонда катта обрў-эътиборга эга экани, мамлакатимизда ҳар қандай спорт анжуманларини қабул қила оладиган инфратузилма мавжудлиги, ташкилотчилик бора-

сида бой тажриба тўплангани, гимнастикани ривожлантиришда улкан натижалар қўлга киритилганлигининг яққол тасдиғи ва эътирофидир. Қитъа чемпионати мезбонлигига даъвогарлик қилган қатор давлатлар орасидан энг муносиб, деяр юртимизга бундай масъулиятли вазифа яна бир қарар ишониб топширилганининг боиси ҳам аслида шунда.

(Давоми 2-бетда.)

ХУҚУҚИЙ ТАЖРИБА

Нуфузли халқаро экспертларнинг фикрича, бугунги кунда Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақсадда мустақам хуқуқий асос яратилган.

Илғор ахборот-коммуникация технологиялари

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

Чунончи, соҳага оид 11 ва бевосита шунга алоқадор бўлган 6 та Қонун, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, интернетни, мобиль алоқани ҳамда жамиятни ахборотлаштиришнинг бошқа йўналишларини ривожлантириш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Бу борада Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2010 йилда илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси янги уфқларни очди. Ушбу дастурил-амал ҳужжатда жамият ва давлат қурилишининг барча жабҳаларига замонавий АКТни кенг жорий этиш вазифаси белгилаб берилди. Хусусан, улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самардорлигини ва шаффофлигини, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввал-амбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар

ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлашда муҳим роль ўйнаши лозим.

Ўзбекистон ахборот ҳамжамиятини ривожлантириш ҳақида гап кетганда, шунинг алоҳида қайд этиш керакки, сўнгги 10 йил давомида жами 2,5 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 40 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Натижада барча шаҳарлар ва халқаро ҳамда 98 фоиз маҳаллий телефон станциялари рақамлаштирилишига эришилди, бу аҳолига замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишда кўл келмоқда. Халқаро пакет коммуникациялари марказининг ўтказиш қуввати 4 баробар оширилиши натижасида интернетга уланиш тезлигини 40 Гбит/с.гача чиқариш имконияти юзага келди. Бу, ўз навбатида, интернет провайдерлари ва операторлари сонининг 930 тага кўпайишига хизмат қилди. Интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион нафардан ошди, улардан 207 минг нафари кенг полосули интернет фойдаланувчиларидир.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон «World Trade Day» халқаро анжуманида

Америка Қўшма Штатларининг Брайант университетиди ташкил этилган "World Trade Day" халқаро конференция-кўргазмаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Маълумот тариқасида айтиш жоизки, Америка Қўшма Штатларининг шимоли-шарқий ҳудудидаги энг йирик халқаро бизнес-анжуманлардан бири бўлган "World Trade Day" фаолиятдан қўзланган асосий мақсад ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда хорижлик ҳамкорлар ўртасида янги алоқаларни ўрнатишга кўмаклашишдан иборат.

Америкалик ишбилармонлар, АҚШ вазирлик ва идораларининг вакиллари ҳамда чет мамлакатлар тадбиркорлари иштирокида ўтган мазкур тадбир Ж. Чаффи номидаги Халқаро бизнесни ривожлантириш маркази томонидан Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси, Нью-Йорк шаҳридаги Бош консуллири ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғар-

маси билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилди.

Анжуманнинг тантанали очилиши маросимида Брайант университети президенти Р. Мак-ли, Халқаро бизнесни ривожлантириш маркази директори Р. Фогарти сўзга чиқди, шунингдек, Ж. Рид ва Ш. Уайтхаус сингари америкалик сенаторларнинг ҳамда конгрессмен Ж. Лэнжвиннинг ушбу форум қатнашчиларига йўллаган видеомурожаати ҳам намойиш қилинди.

"World Trade Day"нинг "Ривожланаётган жаҳон бозорлари"га бағишланган сессияси йиғилишида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, мамлакатимизнинг ташқи иқтисодий алоқалари, юртимизда бизнес юритиш ва чет эл сармояларини жалб этиш учун яратилган қўлай имкониятларга доир маълумотлар мулоқотларнинг асосий

мавузи бўлди. Йиғилиш қатнашчилари "Навойи" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарида солиқлар, бошқаруш тўловлари ҳамда бошқа йўналишларда яратилган имтиёзлар билан ҳам таништирилди.

Тадбир қатнашчилари Орол денгизи ҳавзасида юзага келган экологик вазият туфайли Ўзбекистонда иқтисодиётга экологик жиҳатдан тоза технология ва инновацияларни жалб қилиш ҳамда атроф-муҳитни асраб-авайлаш масалаларига қаратилаётган эътиборни юқори баҳоладилар.

"Ривожланаётган жаҳон бозорлари" йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, юртимизда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар борасида ҳам атрофлича маълумотларга эга бўлдилар.

(Давоми 2-бетда.)

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Ҳозирги пайтга қадар ушбу турдаги махсуслотларнинг асосий қисми вилоятга импорт сифатида келтирилади. Бу ерда замонавий технология ёрдамида йилга 10 минг дона аккумулятор тайёрлаш имконияти вужудга келган, бунга ҳоҳат қолмади. Айни пайтда қувватлардан самарали фойдаланиб, бюртомчиларга юқори сифатли қурилмалар етказиб берилмоқда. Барқарор иш суръатига эришган саноатчилар кейинги уч ойнинг ўзиде 80 миллион сўмликдан ортиқ махсуслот ишлаб чиқаришди.

Саноатчилар муваффақияти

Маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси билан амалга оширилган мазкур лойиҳа натижасида 12 кишининг бандлиги таъминланди.

Ҳозирги пайтга қадар ушбу турдаги махсуслотларнинг асосий қисми вилоятга импорт сифатида келтирилади. Бу ерда замонавий технология ёрдамида йилга 10 минг дона аккумулятор тайёрлаш имконияти вужудга келган, бунга ҳоҳат қолмади. Айни пайтда қувватлардан самарали фойдаланиб, бюртомчиларга юқори сифатли қурилмалар етказиб берилмоқда. Барқарор иш суръатига эришган саноатчилар кейинги уч ойнинг ўзиде 80 миллион сўмликдан ортиқ махсуслот ишлаб чиқаришди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Электрон рақамли калит

Бухоро шаҳридаги "Автотеххизмат" очик турдаги акциядорлик жамиятининг статистика ҳисоботларини топшириши учун атиги бир сония кифоя қилди.

Корхона мутахассислари бу юмушни интернет тармоғи орқали электрон рақамли калитдан фойдаланган ҳолда бажардилар.

— Мазкур тизимнинг афзаллиги шундаки, тадбиркорлар ўз офислари ёки уйларида интернетга уланилган компьютер орқали сайтимизга кириб, ҳисоботларини электрон шаклда узатдилар, — дейди вилоят статистика бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ғиёсов.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Битирувчиларга имтиёзли кредитлар

Урганч шаҳрида ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали иш ўринлари яратиш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда дастлаб тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар ва бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, банк томонидан таклиф этилаётган турли хизматлар ҳақида тегишли маълумот берилди.

Йиғилишда касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш мақсадига ўтган тўрт ой давомида вилоятдаги банклар томонидан 2,9 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилгани таъкидланди.

Учрашув якунида тижорат банклари томонидан 53 нафар тадбиркорга, жумладан, коллеж битирувчиларига 6,6 миллиард сўмлик кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа муддатда салмоқли натижа

Урганч туманидаги Ялтоқтепа маҳалласида фаолият кўрсатаётган "Urgut evroteks" хусусий корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, корхона махсуслотлари қисқа муддатда ўз харидорларини топди.

— Ўтган йили цехларимизга хориждан замонавий пайпоқ тўқийдиган 13 та дастгоҳ келтириб ўрнатилди, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Шаҳобиддин Хурсанов. — Ҳозир бюртомчиларга 30 турдаги тўқимачилик махсус-

лотларини етказиб бераёلمиз. Эндиликда фаолиятимизни янада кенгайтириш чораларини кўраямиз. Шу мақсадда яна 17 та дастгоҳ келтиришни режалаштирганмиз.

Мамадӣёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Универсиада машъаласи Бухорога йўл олди

Паркент туманидан Бухорогача бўлган масофа 700 километрдан зиёд. Бу демак, "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Материал-шунослик институтида қуёш нуридан ўт олдирилган "Универсиада — 2013" спорт ўйинлари машъаласи спорт, ёшлик ва шижоат байрамига мезбонлик қилаётган қўшна ва навқирон шаҳарга етгунга қадар неча-неча қалбларга ёруғлик, эзгулик ва гурур бахш этади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақалари машъалалари айнан Паркент туманида жойлашган "Қуёш қурилмаси"дан аланга олдирилиши бежиз эмас. Гап шундаки, Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидеги бу ноёб иншоот ер юзиде санок-қўли бўлиб, бири Франция жанубидаги Пиреней тоғларида жойлашган. Айрим халқаро мусобақалар заминимиздан кўр ол-

дирилган машъала билан бошлангани ҳам кўпчиликка яхши маълум. Масалан, 2002 йили Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган XIV Осиё ўйинлари машъаласи Паркентдан йўлга чиққанки, биз бундан ҳамisha гурур ва ифтихор ҳиссини туямиз.

Энди бевосита мамлакатимизда шаклландан аънанининг аҳамияти ҳақида. Биласиз, уч босқичли спорт мусобақалари Олимпиада ўйинлари тамойиллари асосида ўтказилади. Шу боис ҳам машъала

ёқши ва уни финал босқичи бўладиган манзилга тантанали равишда етказиш маросими ёшлик байрамнинг муҳим бир бўлагига айланиб қолган. Бунда иштирок этиш орқали йигит-қизларимиз нуфузли спорт мусобақалари ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўладилар, қалблариде шу азиз Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғу-лари шаклланади, келажакдаги эзгу орзулари эса янада мустаҳкамланади.

4 июнь куни "Универсиада — 2013" мусобақалари машъаласини аланга олдиришга бағишлаб ўтказилган маросимда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, пойтахт вилоти жамоатчилиги, талабалар, ўқувчилар ҳамда спортчилар иштирок этди.

(Давоми 4-бетда.)



Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг эътирофи



Боқуда "Жонли тарих" халқаро фестивали доирасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдироти бўлиб ўтди.

Юртимизнинг бу борадаги бой имкониятлари ҳамда мамлакатимизга сайёҳларни кенг жалб қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш мақсадида уюштирилган мазкур тақдирот маросимида Озарбайжон ҳукумати аъзолари, ижтимоий-сиёсий, ишбилармон доиралар, ижодий жамоатчилик, давлат ва хусусий сайёҳлик агентликлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, дипломатия корпуси ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Тақдирот давомида қатнашчилар Ўзбекистонда сайёҳлик жабҳасини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини халқаро андозаларга мос тарзда такомиллаштириш борасида ҳаётга татбиқ қилинаётган чора-тадбирлар, шунингдек, мамлакатимизнинг бой тарихи, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Фарғона водийси шаҳарларининг кўна меъморий ҳамда маданий ёдгорликлари билан танишди.

Икки кун давомида Ўзбекистон бўлмаси халқаро анжуманининг кўп сонли меҳмонлари диққат-эътиборида бўлди. Улар ўзбек халқ усталари томонидан яратилган ранг-баранг мато ва миллий либослар, эсдалик совғалари сингари ўзига хос ва бетакрор амалий санъат буюмларини томоша қилиб, ўзбек таомларидан татиб кўриш имконига эга бўлишди.

Халқаро анжуманининг айрим иштирокчилари Ўзбекистон бўлмасидан орттирган таассуротларини ўртолқашди.

— Бой ва қадим тарихга ҳамда маданиятга эга бўлган мамлакатнинг бўлмасида ўзимизни худди Ўзбекистонга боргандек ҳис қилдик, — деди "Достлуг-Дружба" халқаро жамоатчилик ташкилоти вице-президенти Рена Аббасова. — Фиримча, кўна Боқу фестивалида Ўзбекистон Республикасининг халқ амалий санъати ва сайёҳлик имкониятлари муносиб равишда тақдим этилди. Хусусан, кўрғазма пештахталаридан жой олган гиламдўзлик, тўқимачилик, миллий каштачилик маҳсулотлари, миллий либослар, чинни ва куллулик буюмларининг ўзига хослиги ўзбек халқ амалий санъатининг нақадар ноёб ҳамда нафислигидан далолат беради.

Фаррарберг округи губернатори (Нидерландия) М. Вальнернинг маълум қилишича, у қисқа вақт ичида сайёҳликни сезиларли даражада ривожлантиришга, унинг янги йўналишларини яратишга эриша олган Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдордир.

«Жаҳон» АА. Боқу

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 25 МАЙДАН 31 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

- 1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: «Металл ва нонметалл ноорганик қўлламалар ишлаб чиқаришда меҳнатчи муҳофазаси қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги 31-Б сонли буйруғи.
2. Мақтабга чарбия ва бошланғич таълим муассасаси тўғрисидаги намунавий низоми ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг 2013 йил 20 майдаги 175-сонли буйруғи.
3. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг авиация ходимларини табибӣ кўридан ўтказиш тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ («ЕРГЕОДЕЗКАДАСТР»)

полиграфия, геодезия, тупрок лабораториялари учун асбоб-ускуналар ҳамда компьютер жиҳозларини етказиб бериш бўйича тендер савдоси эълон қилади.

- Етказиб бериш шартлари — СІР Тошкент (аэропорт ёки темир йўл станцияси).
Етказиб бериш шартлари — қайтарилмайдиган аккредитив очилган пайтдан бошлаб 120 (бир юз йўз йиғирма) кун ичида.
Тўлов шартлари — харидорнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банкида ёки у билан корреспондентлик муносабатларига эга бошқа банкларда, етказиб берувчи фойдасига қайтарилмайдиган ҳужжатли аккредитив СІР Тошкент шартлари асосида Ўзбекистон Республикасига товарнинг келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (ДБД, божхона белгиси, нақладнойлар ва х. к.) банкка тақдим этилгандан сўнг эркин конвертацияланадиган валюта ҳисобини очиш йўли билан амалга оширилади.
Товарларни сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига (бундан кейин «бюроетми») ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Харид қилинадиган товарнинг максимал нархи АҚШ долларларида.
Лот № 1. Полиграфия ускуналари: формаларни бевосита экспонирлаш қурилмаси (СТР), тўплам (комплект) учун максимал қиймат — 198200 АҚШ доллари, микдори — 1 тўплам.
Лот № 2. Тупрок лабораториялари учун асбоб-ускуналар: тупрок шурланиши ўлчагичи, (ЕМ38-МК-2 типиди) тўплам, тўплам учун максимал қиймат — 20 000 АҚШ доллари, микдори — 5 тўплам.
Лот № 3. Юқори аниқликдаги электрон тахеометр, тўплам учун максимал қиймат — 35000 АҚШ доллари, микдори — 4 тўплам.

Тендер ҳужжатлари битта тўпلامининг нархи — 300 (уч юз) АҚШ доллари.
(Corr.Acc. 20210840300112480001 SAYONHATBRANCH of the National Bank of Foreign Economic Relations of Uzbekistan. SWIFT CODE: NBUFAUZZX).
Тендер тақлифлари юқорида кўрсатилган манзил бўйича тендер савдоси ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.
Тендер тақлифларини тақдим этишнинг сўнгги муддати 2013 йил 5 июль Тошкент вақти билан соат 15.00 гача, Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, «Ц» даҳаси, Бунёдкор шоҳқўчаси, 28-уй.

«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJ
Қашқадарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.
Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Қашқадарё вилояти ҳўжалик сўдининг 2011 йил 4 июлдаги 18-1004/25216-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши шаҳри, «Заҳокимарон» МФЙ, Мазаҳб кўчасида жойлашган, «Қарши темир йўл сув куври таъмир» МЧЖга қарашли, умумий майдони 10 000 кв.м., қурилиш майдони 1399,92 кв.м. бўлган маъмурий бино ва ёрдამчи бинолар такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 384 609 100 сўм.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Кўчаларимизда саранжом-саришталикни сақлаш, маҳаллалар, кўп қаватли уйлар яқинида чиқинди уюмлари тўпланиб қолмаслигини таъминлашда замонавий техника воситаларининг аҳамияти катта. Эътиборлиси, маиший чиқиндиларни ташийдиган ана шундай машиналар юртимизда, аниқроғи, «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда.



Янги русумдаги автоулов

«JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида яна бир ташаббусга қўл урилди.

Компания реклама ва маркетинг хизматининг маълум қилишича, бундай русумдаги автоуловларнинг дастлабкиси — «MAN CLA 16.220» модели илк бор ўтган йилдан ишлаб чиқарила бошланган эди. Шу оғнинг охирига қадар уларнинг сони 150 тага етказилди. Ҳозир республикамизнинг барча вилоятларида, айниқса, Тошкент шаҳридаги коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарида «MAN CLA 16.220» техникасидан кенг фойдаланилапти. Унинг имконияти ҳақида айтиладиган бўлса, ушбу русумдаги махсу машина билан бир йўла 15 кубометргача қаттиқ маиший чиқиндини ташиш мумкин.
Кўшма корхона яна бир ташаббусга қўл урди. Гап шундаки, яқин ойлари ичида «MAN TGS 26.360» шассиси базасида янги чиқинди ташувчи машинани тажриба сифатида ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Унинг афзал жиҳати шундаки, мазкур техника воситаси «MAN CLA 16.220»дан кўпроқ, яъни 25 кубометргача қаттиқ маиший чиқиндини ташиш имкониятига эга.
Эътироф этиш жоиз, автосаноатимиздаги бундай янгиликлар мамлакатимиз иқтисодий тобора ривожланиб бораётганининг яна бир яққол тасдиғидир.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ТАНЛОВ

Интеллектуал мулк агентлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Янги интеллект — 2013» энг яхши интеллектуал мулк объекти учун» танлови бошланди.

Интеллект ва рағбат

Мазкур танлов юртимизда ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодиётни рағбатлантириш, инновацион фаолиятни ривожлантириш, янги техника, технология ҳамда рақобатбардор маҳсулотларни яратишга қўмаклашиш, илғор технологияларни татбиқ этиш, ихтирочиларни қўллаб-қувватлаш, энг яхши интеллектуал мулк объектиларини аниқлаш мақсадида ихтиро, фойдали модель, саноят намунаси, дастурий маҳсулотлар йўналишларида ўтказилмоқда.
Танловда қатнашиш учун талабномалар шу йилнинг 30 августига қадар қабул қилинади. Фойлиблар октябрь ойида аниқланади.

Элбек ДОЛИМОВ.

Реклама ва эълонлар

«REALTOR GARANT BUSINESS» MCHJ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этилади.
Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:
1. Учтена тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 сентябрдаги 1-423/39/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чошпена 9-берк кўчасида жойлашган кўчмас мулк.
Бошланғич баҳоси — 619 749 900 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 20 июнь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
2. Учтена тумани СИБ томонидан 2011 йил 21 апрелдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтена тумани, 12-мавзе, 33-уйдаги 9-хонадон.
Бошланғич баҳоси — 67 576 079 сўм.
3. Мирзо Улўғбек тумани СИБ томонидан 2010 йил 28 октябрдаги 26505/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчасидаги 115-Б-уй.
Бошланғич баҳоси — 66 700 000 сўм.
4. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 мартдаги 7082/23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А. Қодиров ва Х. Саматова кўчалари ўртасида жойлашган кўп қаватли уйнинг 5-қаватидаги 29-хонадон.
Бошланғич баҳоси — 178 792 758 сўм.
5. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 15 апрелдаги 6874/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-2 мавзеси, 24-уйдаги 66-хонадон.
Бошланғич баҳоси — 80 974 800 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 5 июль кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истағидаги талабгорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси кўнидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истағидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, 17-қават, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99893) 577-22-12.
Лицензия: RR-0052.

«Universal Auktions Invest» MCHJ Фарғона вилояти филиали

очиқ аукцион савдоларига тақлиф этилади.
2013 йил 5 июль кўни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Қўқон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Қўқон туманларидан сўдининг 2013 йил 7 мартдаги 652/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри СИБда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, ранги оқ, давлат рақами 40 X 808 АА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 11 472 385 сўм.
Мазкур автотранспорт воситаси ушбу кўндаги савдода сотилмаган тақдирда, уни сотиб бўишга такрорий савдо 22 июль кўни бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 3 июль кўни соат 17.00 да тўхтатилади.
2013 йил 20 июнь кўни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан ФИБ Фарғона вилояти ҳўжалик сўдининг 2009 йил 11 ноябрдаги 15-08-07/29477-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фарғона водий наварлари» МЧЖда сақланаётган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Mercedes-bens» русумли, сийхранг тўсли, давлат рақами 40 859 DAA бўлган автобус такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 21 843 863 сўм.
Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 18 июнь кўни соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, академик Гўвоҳнома Авлиёхон Мухаммадиев кўчаси, 64-А-уй. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.
Лицензия: RR-004059.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ
наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:
ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ
собственного производства на стеклотканой основе.
Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.
Тел.: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.

